

680 - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ، فَتَرَكْنَا مَنِيلًا، فَمِنَّا مَنْ يُصْلِحُ خِبَاءً، وَمِنَّا مَنْ يَتَضَلَّلُ، وَمِنَّا مَنْ هُوَ فِي جَسَرٍ؛ إِذْ نَادَى مُنَادِي رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الصَّلَاةُ جَامِعَةٌ. فَاجْتَمَعْنَا إِلَيْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «إِنَّهُ لَمْ يَكُنْ نَبِيٌّ قَبْلِي إِلَّا كَانَ حَقًّا عَلَيْهِ أَنْ يَدْعُ أُمَّتَهُ عَلَى حَبْرٍ مَا يَعْلَمُهُ لَهُمْ، وَيُنذِرُهُمْ شَرَّ مَا يَعْلَمُهُ لَهُمْ، وَإِنَّ أُمَّتَكُمْ هَذِهِ جُعِلَ عَافِيَّهَا فِي أَوْلَاهَا، وَسَيُصِيبُ آخِرَهَا بَلَاءً وَأُمُورٌ تُنْكِرُوهَا، وَبَحِيءٌ فِتْنَةٌ يُرِيقُ بَعْضُهَا بَعْضًا، وَبَحِيءٌ الْفِتْنَةُ فَيَقُولُ الْمُؤْمِنُ: هَذِهِ مُهْلِكَتِي، ثُمَّ تُنَكِّشِفُ، وَبَحِيءٌ الْفِتْنَةُ فَيَقُولُ الْمُؤْمِنُ: هَذِهِ هَذِهِ، فَمَنْ أَحَبَّ أَنْ يُرْجِعَ عَنِ النَّارِ وَيُدْخَلَ الْجَنَّةَ فَلْتَأْتِهِ مَنِيَّتُهُ وَهُوَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَلِيَأْتِ إِلَيْ النَّاسِ الَّذِي يُحِبُّ أَنْ يُؤْتَى إِلَيْهِ، وَمَنْ بَأْيَعَ إِمَاماً فَأَعْطَاهُ صَفْقَةً يَدِهِ وَثَرَةً قَلْبِهِ فَلِطِيعَةٌ إِنْ اسْتَطَاعَ، إِنْ جَاءَ آخْرُ يُنَازِعُهُ، فَاضْرِبُوا عُنْقَ الْآخِرِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [1844].

قُولُهُ: «يَنْتَضِلُ» أَيْ: يُسَابِقُ بِالرَّمَيِّ بِالنَّبْلِ وَالنُّشَابِ، «وَالجَسَرُ» بِفَتْحِ الْجَيْمِ وَالثِّينِ الْمُعْجَمَةِ وَبِالرَّاءِ: وَهِيَ: الدَّوَابُ الَّتِي تَرْعَى وَتَبِيتُ مَكَانَهَا.

وَقُولُهُ: «يُرِيقُ بَعْضُهَا بَعْضًا» أَيْ: يُصَبِّرُ بَعْضَهَا بَعْضًا رَقِيقًا؛ أَيْ: حَفِيفًا لِعَظِيمٍ مَا بَعْدَهُ، فَالثَّانِي يُرِيقُ الْأَوَّلَ، وَقِيلَ: مَعْنَاهُ: يُشَوِّقُ بَعْضَهَا إِلَيْ بَعْضٍ بِتَحْسِينِهَا وَتَسْوِيلِهَا، وَقِيلَ: يُشْبِهُ بَعْضَهَا بَعْضًا.

680. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхұмодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарда әдик. Бир манзилга түшдик. Биздан кимдир чодирини тузатаётган, кимдир үқ отишаётган, кимдир (оловлар билан) үтлоқда әди. Бирдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жарчиси «Жамоат намозига!» деб жар солиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига жамландик. У зот шундай дедилар: **«Мендан олдин келган ҳар бир набийга умматини улар учун яхши деб билган нарсасига йўллаш ҳамда улар учун ёмон деб билган нарсасидан огоҳлантириш вожиб бўлган. Ушбу умматнинг офиияти аввалида қилинди. Охирига эса ҳали балолар ва сизлар мункар деб биладиган ишлар келади.** Шундай фитналар келадики, бири бирини (кейингиси аввалгисини) енгил кўрсатиб қўяди. Фитна келади, шунда мўмин: **«Менинг ҳалокатим мана шу», деб қолади, лекин (фитна) ўтиб кетади. Яна фитна келади, шунда мўмин: «Шуниси, шуниси», дейди.**

Ким дўзахдан йироқлаштирилиб, жаннатга киритилишини истаса, ўлими келганда Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳолда бўлсин; ўзига қандай муомала бўлишини истаса, одамларга ҳам шундай муомала қилсин.

Ким бир раҳбарга байъат қилиб, унга қўлини ва қалб қўрини тутган бўлса, агар қодир бўлса, унга итоат қилсин. Аммо бошқаси у билан (раҳбарликни) талашгани келса, ўша бошқанинг бўйинини чопинглар.

Ином Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳадиснинг давомида қуйидаги қўшимчалар бор:

«Мен унга яқинлашиб, «Аллоҳ ҳаққи сўрайман, сиз буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганмисиз?» дедим. У қўлини икки қулоғига, юрагига қўйиб, «Буни икки қулоғим билан эшитганман, қалбимга жо қилганман», деди. Шунда мен унга: «Манави амакиваччанг Муовия мол-мулкимизни ўзаро ботил йўл билан ейишга ва ўзимизни ўлдиришга буюрятти-ку! Ҳолбуки, Аллоҳ: «Эй иймон келтирганлар! Бир-бирингизнинг мол-мулкингизни ботиллик билан еманг. Фақат ўзаро розилик ила тижорат бўлса, мустасно. Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмлидир»^[1] деган-ку», дедим. У бир муддат жим турди-да, сўнг: «Унга Аллоҳнинг тоатида итоат қил, Аллоҳнинг маъсиятида эса бўйсунма», деди».

[1] Нисо сураси, 29 оят.

Манба: hadis.islom.uz

